Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади
АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

3 КАСАБА УЮШМА СПОРТИ:
ОММАВИЙЛИК, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА МАҲОРАТ!

4 ТУРОНЗАМИН ДАРҒАЛАРИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ.
ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 27 май, сешанба № 82 (1507)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ВОДИЙ САФАРИ:

ОЧИҚ ВА САМИМИЙ МУЛОҚОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22-23 май кунлари Фарғона водийсида бўлди



Илгари хабар қилинганидек, мамлакатимиз раҳбари жойларда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, янги бунёд этилган иншоотлар билан танишиш мақсадида Фарғона водийси вилоятларига ташриф буюрди.

Юртбошимизнинг вилоятларга чиқиб, ўзгаришлар жараёнлари билан бевосита танишиши, одамлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиши яхши анъанага айланган. Ана шундай сафарлар чоғида жойлардаги ибратли ташаббусларнинг рағбатлантирилиши уларнинг мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйишида муҳим омил бўлаётир.

Президентимиз билан оддий меҳнаткашлар ўртасидаги бундай учрашувлар кишиларимиз онги ва тафаккурига ҳаётбахш ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти янада теранроқ сингиб боришида, янгиланишларнинг рўёбга чиқишига халақит бераётган айрим муаммо ва тўсиқларнинг тезкорлик билан бартараф этилишида ғоят қўл келаётгани ҳам сир эмас.

Давлатимиз раҳбари ўзининг бу галги сафарида жойлардаги раҳбарлар, мутахассислар ва, умуман, халқимизнинг эътиборини нималарга қаратди?

Деҳқонлар, фермерлар билан мулоқотлари чоғида Юртбошимиз пахта уруғчилиги мактабини ривожлантириш, сара уруғ олишга эътибор қаратиш, яхши самара бераётган плёнка остида пахта етиштириш усулининг афзалликларини кенг тарғиб қилиш, оммалаштириш борасидаги ишларга алоҳида тўхтаб ўтди.

Президентимиз Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги далаларида деҳқонлар билан суҳбатлашар экан, вилоят меҳнаткашларининг кейинги йилларда пахтачилик, ғаллачилик ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари қишлоқ хўжалигида юксак замонавий агротехникани қўллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ишни ташкил этишдаги омилкорлик ва фидойиликни ўзида мужассам этган Андижон деҳқончилик мактабининг самараси экани хусусида тўхталди.

- Бу мактабнинг аҳамияти ҳақида андижонликларнинг ўзлари ҳам тортинмай, фахр ва ғурур билан гапиришларини истардим, - деди Ислом Каримов. - Жойларда эса ана шу мактабнинг моҳияти, муваффақиятининг туб илдизлари нимада экани пухта ўрганилиши керак.

Юртбошимиз қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлигини бош масала қилиб қўйди. Деҳқон бугунги меҳнатининг эртанги самарасини ҳис қила билиши, унга ишониши керак, деб таъкидлади. Бунинг учун шартнома шартларининг ижроси муҳим эканлигига эътибор қаратди. Меҳнаткашлар манфаатдорлигини таъминлаш, уларнинг дам олишлари билан боғлиқ шарт-шароитларни яратиб бериш муҳим вазифалардан бири эканини уқтирди.

Ислом Каримов оила суянчиғи бўлган аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шароитларни яратиб бериш масалаларига алоҳида урғу берди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Фарғона водийсида ҳам ободончилик ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Хусусан, истиқлолнинг ўн иккинчи йилида Юртбошимизнинг «Соғлом, заковатли ёшларни тарбиялаш - тараққиёт гаровидир» деган ғояси асосида водий вилоятларида бир қанча маданий-маиший ва спорт иншоотлари қуриб битказилди.

Андижон шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежи ана шундай янги, лойиҳаси ва меъморий ечимига кўра бетакрор иншоотлардандир. Янги спорт коллежи 910 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, қишки ва ёзги сузиш ҳавзалари, атлетика манежи, умуман, Олимпиада ўйинлари таркибига кирган барча спорт турлари бўйича машғулот майдонларига эга. Иншоот хорижнинг энг замонавий иситиш ва совутиш ускуналари билан таъминланган, бошқа қулайликлар мавжуд. Жаҳон андозалари даражасида юксак дид билан қурилган ва замонавий жиҳозланган спорт зали 5 минг квадрат метр майдонни эгаллаган. Бу ерда 25 турдаги спорт ўйинларини ўтказиш мумкин.

- Андижонликлар бундай улкан ва кўркам иншоотлар бунёд этишда ҳам ўз ташаббуси ва тажрибасини намоён этаётгани қувонарлидир, - деди Президентимиз. - Шундай иншоотни қуришга қурби, ақл-заковати етган халқнинг фарзандлари дунёнинг энг юксак спорт шоҳсупаларидан ўрин эгаллашга муносибдир.

Давлатимиз раҳбари юзлаб мамлакатлар вакиллари орасида Ўзбекистон спортчи йигит-қизлари томонидан юрт байроғининг юксакликка кўтарилаётганини машҳур Эверест чўққисининг кашф этилишига қиёслар экан, спортчиларимизни доимо рағбатлантириб туриш зарурлигига эътиборни қаратди.

Андижондаги 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион ғоят ҳайратланарли. Бу йилги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ана шу масканда очилади. Президентимиз стадионнинг дунё андозаларига мос равишда барпо этилганини таъкидлади.

- «Баркамол авлод» спорт мусобақалари очилиши маросимига миллий тус бериш керак, - деди Президент. - Бошқалардан ўрганиш яхши, албатта. Лекин мусобақалар руҳига ўзимизнинг миллий анъаналаримиз сингдирилса янада яхши бўларди.

Наманган шаҳри марказидаги 14 гектарлик майдонда ўзида амфитеатр, сунъий кўл, аквапарк, турли спорт ўйинлари бўйича клубларни жамлайдиган улкан истироҳат ва спорт маскани - «Ёшлар спорт мажмуи» бунёд этилмоқда. Ислом Каримов бу ердаги қурилиш ишларини кўздан кечирар экан, бугунги кунда ноёб архитектура ечими ва энг замонавий қурилиш жиҳозлари ҳисобига бетакрор иншоотлар барпо этиш ҳақида гапирди. Шу билан бирга, янги иншоотлар атрофига дарахт экиш ва уни парваришлаш масаласига эътибор қаратди.

Президентимиз кўкаламзорлаштириш борасидаги жаҳон тажрибаси, хусусан, чимлаштиришнинг яхши натижалар бераётган ўзбекча моделини қурилиш мутасаддиларига изоҳлаб берди.

Ислом Каримов ҳаво таркибини яхшилашга ҳисса қўшадиган, сершоя ва манзарали дарахтлар экиш ҳақида тўхталди. Биргина дарахт ҳам шу жой манзарасини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Бу ерда экилиши мўлжалланаётган дарахтларнинг аҳамиятли ва нозик томонларига эътиборни қаратди. Ҳар бир ишимизда келгуси авлодларни ўйлашимиз керак. Демак, экаётган дарахтларимиз ҳам юз йиллар умр кўрадиган бўлмоғи лозим. Шу маънода эман, каштан каби сершоя дарахтлар ўтказишга алоҳида эътибор бермоқ даркор, деди Президентимиз.

Фарғона водийси мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг ўзига хос саноат марказларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда бу ерда сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлари билан нафақат юртимизда, балки жаҳон бозорларида шуҳрат қозонаётган кўплаб заводлар, қўшма корхоналар ишлаб турибди.

Юртбошимиз Қиргули туманидаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида қурилаётган аммиак селитраси ишлаб чиқариш цехи лойиҳа кўламлари билан танишди. Мутахассислар эътиборини ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик масалалари, маҳсулот сифати, ишчилар учун яратиладиган шароитлар борасидаги ишларга қаратди. Мазкур ишлаб чиқариш тармоғи водий вилоятларида минерал ўғит таъминоти муаммоларини ҳал этади. Бу ерда Чехиянинг «МБНС» фирмаси ишлаб чиқариш дастгоҳлари ўрнатилмоқда. Бу эса йилига 450 минг тонна селитра ва 360 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш имконини беради. Янги тармоқнинг ишга тушиши туфайли 360 янги иш ўрни яратилади.



- Бу заводнинг истиқболи ва замонавий технологияси бизга маълум, - деди Ислом Каримов йилига 200 минг автомобил ойналари мажмуи ишлаб чиқариш қувватига эга «Автоойна» заводи билан танишгач. - Айни чоғда заводнинг замонавий технологияси шунга яраша шарт-шароит яратилган муносиб жойда ишлаши керак. Завод рентабеллигини ошириш, қўшимча цехлар қуриш, маҳсулот тури ва уларнинг харидорларини кўпайтириш зарур.

Бу борада мутасадди раҳбарларга завод атрофини тартибга солиш, тегишли инфратизимни шакллантириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари «Кварц» акциядорлик жамиятида бўлиб, шиша пиширишни компьютерда бошқариш жараёнлари билан танишди. Намангандаги «NESTLE-Ўзбекистон»-Швейцария қўшма корхонасида табиий сут, бананли сут, газланган ва газланмаган маъданли сув, болалар озиқаси каби ўндан зиёд маҳсулот тайёрланадиган цехлардаги технологик жараёнларни кўздан кечирди.

Юртбошимиз қайси ишлаб чиқариш корхонасига ташриф буюрмасин, у ердаги хориж техникасини уддабуронлик билан бошқараётган ёш ишчи-хизматчилар ва мутахассислар билан суҳбатлашди. Бундай мулоқотлар замирида ишлаб чиқаришда, техника, технология, муҳандислик ва умуман иқтисодиёт соҳасида узоқ йиллик ва катта тажрибага эга инсоннинг ёш кадрларимиз ўз касбини нечоғли маҳорат билан эгаллаганликларини билиш йўлидаги астойдил иштиёқи мужассамдир.

Ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишиш асносида Президентни қизиқтирган масалалардан яна бири - қишлоқда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш, ўзимизда етиштириладиган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига ички ва ташқи бозордан даромад олишни кенгайтириш, ўз навбатида, шу йўл билан ишсизлар миқдорини камайтириш муаммолари эди.

- Пахта ўзимизники. Хўш, қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакларни хориждан сотиб оламиз, - деди давлатимиз раҳбари мулоқотлардан бирида. - Буғунга келиб хорижнинг илғор технологиялари асосида сифатли матолар, иплар, калавалар чиқаришни пухта эгаллаган экамиз, нима учун, айтайлик, «Уйчи» номли эркаклар кўйлаги чиқаришни кенг йўлга қўймаслигимиз керак?

Президент ҳамюртларимизнинг фақат дала ишлари билангина чекланиб қолмаслиги, ишлаб чиқаришни кенг ривожлантириш зарур экани, хусусан, ўз хомашёмизни юз фоиз қайта ишлашга эришсаккина юрт ободлиги, эл фаровонлиги ортиши, ишсизликнинг эса кескин камайишига муваффақ бўлишимиз мумкинлигини уқтирди.

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлари ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Президентимиз мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам тўхталди.

Бу ҳақда Шарқий ҳарбий округнинг Чортоқ туманида жойлашган сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтган мулоқотлар чоғида сўз борди. Юртбошимиз курсантларга қарорда кўзда тутилган бир қатор имтиёзлар, хусусан, 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг лавозим маошлари икки баравар, ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори - энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараварга оширилиши тўғрисида гапирди.

Ислом Каримов шўро армияси таркибида хизмат қилган ёшларимизнинг қисмати, улар асосан қурилиш батальонларига жалб этилгани, мустақиллик йилларида юртимизда янги, ҳажман ихчам, айни чоғда замонавий қуролланган, мамлакат сарҳадларини ҳимоя этишга ҳамиша қодир Қуролли Кучларни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган залворли ишлар ҳақида тўхталди. Армия ислоҳотида сержантларни ўқитиш ва тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Армиямизда хорижнинг, асосан, АҚШ тажрибасига таянган ҳолда сержантлар ўқуви ташкил этилмоқда. Армиядаги таъминот ҳамда аскарлар ишлатадиган асбоб-ускуналар, қурол-аслаҳалар самарали бўлмоғи даркор.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига мувофиқ 2003 йилда муддатли хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг таъминотини яхшилаш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт инвентарлари ҳамда тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун зарур миқдордаги маблағ йўналтирилишини маълум қилди.

Давлатимиз раҳбари водий сафари давомида нафақат ислоҳотларнинг бориши, балки ана шу янгиланишлар одамлар ҳаётига, турмушига нечоғли ижобий таъсир этаётгани билан ҳам қизиқди. Зеро, мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Юртбошимиз «Ислоҳот - ислоҳот учун эмас, ислоҳот - Инсон учун», деб бежиз айтмаган.

Сафар давомида нафақат далаларда, корхоналарда, балки водий шаҳар ва қишлоқларида қандай ўзгаришлар юз бераётгани, кенг ва равон кўчалар, дарахтзор, токзор ва гулзорлар барпо этилаётгани, кишиларнинг уй-жойлари эртанги кунига қанчалик мослаб қурилаётгани, иморатлари қандай ғиштдан тикланаётгани, ушбу ҳовли-жойларда вояга етаётган ёш авлоднинг келажакдаги орзу-ниятлари - барча-барчаси Юртбошимизнинг диққат-марказида бўлди.

Президентимиз айтганидек, Фарғона водийсида ҳозирги кунда кишини руҳлантирадиган юксак ва ҳаётбахш кайфият зоҳир. Бу эса, ўз навбатида, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган Ватанимизга ёруғ келажагини яқинлаштириш йўлида водийликлар илҳом ва шижоат билан меҳнат қилаётганлигидан далолатдир.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА шарҳловчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Носиржон Собирович Юсупов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Носиржон Собирович Юсупов Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 26 май

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ўшанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январи охирида Новосибирскка борганимни эсладим. Вазифам осон эмас - журналистлик текшируви ўтказишим керак эди. Мен ва «Совет Ўзбекистони» журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибир ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик йигитларнинг ўлдирилгани ҳақида кўплаб далилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража совуқда қўлида белкурак ушлаган жиззахлик ва қаршилик йигитларнинг совуқ урган қўллари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўпи касал ва бошидан армияга чақирилмаслиги керак эди. Шунингдек, кўплари Совет армияси тузилмаларида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан «зўравонлик» азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайди. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунмагани учун буйруққа бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ «гауптвахталарда ётишининг» сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни «қурилиш батальони»да ўташди, Сибирнинг аёвсиз совуғида «ковла», «қур», «таши» деган буйруқларни бажаришига тўғри келди. Ўзининг жонажон қишлоғидан биринчи марта четга чиққан ёш йигитлар кўзларига ёш олиб, биздан ёрдам сўрагани ҳали-ҳамон эсимда. Афсуски, ўшанда бунинг иложи йўқ эди...

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди. Мустақилликкача биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, аҳолига ҳарбий хизматга қонунчилик асосида киритилган янгиликларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга чақириқ ёшида. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қизиқтирди. Ўйлашимча, энди бошқа давлатлардаги кўпчилик чақириқ ёшидаги йигитларнинг ўзбекистонлик тенгқурларига ҳаваси келиши мумкин. Негаки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва уни кечиктириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига кейинги муддатга чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақируви резервига (СЧР) киритилиши айтилган.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул тўлаганингиздан кейин, фарзандингиз сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резерви ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар кўринишида ташкил этилади. Энг асосийси, эслатиб ўтилган бадалларни бир йил давомида олдиндан ёки бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин.

Сиз тўлаган ушбу маблағлар давлат ғазнасига эмас, балки ўқув лагерида ҳарбий йиғин пайтида ўғлингизни боқиш, транспорт сарф-харажатлари, керакли анжомлар ва бошқа нарсалар сотиб олишга ишлатилади.

(Давоми 2-бетда)

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Вилоят пиллакорлари қабул пунктларига 1980 тоннадан зиёд сифатли хом ашё топшириб, йиллик шартнома-режасини мамлакатда биринчи бўлиб уддалади. Олот, Ромитан, Қоракўл, Ғиждувон, Бухоро, Вобкент, Когон туманларида ҳар қути ипак қуртидан мўлжалдагидан анча зиёд ҳосил олишга эришилди.

Сифатли пилла етиштириш учун кўпроқ хориж уруғига эътибор қаратилди. Жорий йилда 26 минг звенога 40 минг қути Хитой уруғи ва 2900 қути маҳаллий уруғ тарқатилди.

- Етиштирилган пиллани қайта ишлашда муаммо бўлмайди,- деди Бухоро вилоят «Пилла» акциядорлик жамиятлари бирлашмаси раиси Зокир Каромов.- «Ҳуашен-Бухоро СоЛТД» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси, «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти, вилоятдаги бир қанча кичик корхоналар ҳозирданоқ янги ҳосилга харидор бўлмоқда.

Вилоятда қабул масканларига хом ашё топшириш давом этмоқда. Бухоролик пиллакорлар имкониятларини чамалаб чиқиб, умумий хирмонни 2100 тоннага етказишни мўлжалламоқда.

(ЎзА)

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

(Боши 1-бетда)

Сафарбарлик чақируви резерви хизматига кириш тартиби эса оддий. Бу борада ҳарбий хизматга чақирилувчи, унинг молиявий аҳволини кафолатловчи томон ва Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлими ўртасида шартнома тузилади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга чақирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга аниқ мажбуриятлар юкланган. Улар ўртасидаги ҳар қандай баҳсли ҳолат судда ҳал этилади. Ҳарбий хизматга чақирилувчини нафақат унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари, балки юридик шахслар - турли корхоналар ва хусусий фирмалар кафилликка олиши мумкин.

Бир йил тугаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик чақируви резервида хизмат қилган шахс тегишли ҳарбий-ўқув мутахассислигига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юртларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазифаси билан чет элга бориши мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ шартнома тузилганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилган шахс ишлаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

Бу борада шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилингунига қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга чақирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмиятчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик чақируви резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белгиланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йиғинга ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади, холос.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшигача сафарбарлик чақируви резерви сафида бўлади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади. 27 ёшга етган ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган йигитлар Қуролли Кучлар резервига киритилади.

Совет армиясидаги хизматни бир эслаб кўринг. Ўша пайтларда ҳарбий хизматга қанча йигит керак бўлса, шунча етказиб бериларди. Бироқ бунинг оқибати ўзингизга яхши аён. Ўшанда Сибир ҳарбий округида мен суҳбатлашган аскар йигитлар орасида қулоғи оғир, кўзи хира ногиронлар ҳам бор эди. Улар ҳарбий хизматга «маҳаллий партия амалдорлари болаларининг» ўрнига чақирилган эди. Энди эса йигитлар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади, бунинг учун улардан ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуклари танлаб олинади.

Кўпчилик ота-оналар ва ёшларни «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги янги қабул қилинган Қонундаги айрим жиҳатлар ҳам қизиқтириши мумкин. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинади. Фуқароларда резерв тоифалари, улар нимага мўлжалланаётгани, ҳарбий тайёргарлик қандай ўтиши, Қуролли Кучларнинг ҳарбий қўшинлари, қисмлари ва бўлинмалари сафи қандай тўлдирилиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда кўп нарсалар ўзгаряпти, шу жумладан Ватанга хизмат қилиш ҳам йигитларимиз учун шарафли бурчга айланиб бораётир. Ўғлонларимиз ўз Она -тупроғимизда хизмат қилмоқда. Энди улар ўз йигитлик бурчини адо этиш учун узоқ ва совуқ Сибир ўлкасига бормайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тинч. Улар фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилганда мудофаа ишлари органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаол иштирок этмоқда.

Энди ҳар бир ўсмир йигитлик бурчини ўташни сабрсизлик билан кутади ва буни ўзига шараф деб билади. Зеро, Қуролли Кучларда бўлаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

Азизахон ТЎЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири





И.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Янгиер шаҳридаги «Янтексервис» хусусий корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Айни кунларда хусусий корхонада йигирма нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган бир неча турдаги сифатли ва арзон маҳсулотлар тезда ўз харидорини топди. Корхонада, асосан бўз, сочиқ ва бошқа турдаги текстил маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Суратда: Анвар Асқаров маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда

Дил сатрлари

Бу йилги об-ҳаво андижонлик, хусусан, асакалик деҳқонларни ҳам синовдан ўтказмоқда. Тўла гектарлар яратиш, маҳаллий ўғитдан, ички имкониятдан унумли фойдаланиш ғоятда муҳим. Ёмғирдан сўнг қатор ораларига сифатли ишлов бериб, қатқалоққа қарши курашиш ҳар бир дала меҳнаткашидан омилкорлик, сабот-матонат кўрсатиб ишлашни тақозо этади.

САДОҚАТ

нелигини асакалик деҳқонлар яхши билишади

Ана шундай масъулиятли кезларда ҳурматли Президентимизнинг Андижонда ва жумладан, хўжалигимизда бўлиши қадоққўл деҳқонларни ғоятда руҳлантирди. Давлатимиз раҳбари қишлоқ хўжалиги экинлари парваришида режа ортидан қувиш эмас, балки деҳқон манфаатдорлиги бош масала эканлигини алоҳида таъкидлади. Чиндаям не-не умидлар билан меҳнат қилаётган ҳар бир инсон бугунги меҳнатининг эртанги самарасини ҳис қила билиши даркор. Дала бошида бош пудратчи М.Қорабоев ҳамда бошқа мириш-корлар билан қилинган суҳбатдан биз ҳам жуда кўп фойдали томонларни олдик.

Хўжалигимиз сўнгги йилларда ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўтган йили гектаридан 32,6 центнердан пахта, 80 центнердан буғдой ҳосили олишга эришилди. Бозор талаби қатъий. Бундай шароитда раҳбар ғоятда омилкор, ташаббускор, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган, том маънода талабчан бўлиши керак. Ер билан тиллаша билган, унинг ҳар қаричини эъзозлаган киши кам бўлмайди. Ўзимиз етакчилик қилаётган пудратчилар ҳудди шундай фаолият юритиб, буғдой ҳосилдорлигини 80 центнердан оширишга эришдилар. Бизга кўрсатилаётган эътибор, самимият янада унумлироқ, баракалироқ меҳнат қилишга ундади. Нитижада ҳар бир пудратчи ўтган мавсумда ғалладан ўртача 55 центнердан, пахтадан 40 центнердан хирмон уйиб, ҳам ўзининг рўзғорига, ҳам ширкатнинг иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Хонадонларда ўтаётган қўша-қўша тўйлар, қилинаётган янги иморатлар-у машиналар ана шу деҳқончилик туфайли олинган даромад самарасидир.

Ширкат тасарруфида 23 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Экин майдонлари тадбиркор деҳқонларга бўлиб берилгач, ишчи кучи қарийб тенг яримга қисқарди. Шу боис маъмурият билан касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш қаторида ҳар йилги даромаддан қишлоқларда янги ишчи ўринлари барпо этиш ва ёшларни меҳнатга жалб қилиш масаласи кенг ўрин олган. Ўтган даврда қишлоқларда 20 та савдо шохобчалари, 4 та тикиш-бичиш цехи, 6 та тегирмон, 5 та сартарошхона, 5 та новвойхона ишга тушди.

Қишлоқларни газ, ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Даромад ҳисобидан иккита замонавий гузар яқинда ишга туширилди. Ёш оилалар уй-жой қилиб, кўчиб чиққан иккита маҳалла табиий газ, ичимлик суви билан таъминланди. Кўчалар асфальтланди.

Сарф-харажатлар пухта режалаштирилганлиги боис, ўтган мавсумда пахта таннархи аввалгиларга нисбатан бир неча ҳиссага камайди. Ёнилғидан бир мавсумнинг ўзида 60 тонна, ўғитдан унинг икки баравари тежалди.

Бирники элга, элники мингга татийди, деган гап бор. Хўжалик тасарруфида истиқомат қилувчи Маъсудахон Жўраева ҳам, Парпивой Холбоев ҳам кўп йиллардан буён нафақада, қарилик гаштини суришади. Уларнинг таъкидлашларича, ўтган йили ширкат бошқарув раиси келиб ҳар бирига 100 килограммдан буғдой улашиб, қарияларнинг дуосини олган. Хўжаликда яшаётган ҳар қандай нуронийдан ана шундай илиқ ва миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин.

Шу кунгача ширкат касаба уюшмаси берган йўлланма билан салкам 100 нафарга яқин киши республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишган. Бундан ташқари, энг илғор пудратчилар ва қарияларни ҳар уч ойда бир марта Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат қилдириб келиш анъанага айланган.

Айни пайтда ширкат хўжаликда 985 нафар ишчи турли юмушлар билан банд. Уларнинг яхши ишлаши ва меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Юртбошимиз Ўйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Ширкат хўжалиги аъзолари ушбу ташрифдан руҳланиб, жорий йилда пахта ва ғалладан янада юқори ҳосил олишга бел боғладилар. Айни чоғда хўжаликда агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилиб, ғўза ривожи кечикишининг олди олинмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Абдуқаҳҳор АЗИМОВ,
Юнусали ОРИПОВ,
Муталлип ТОЛИПОВ,
Асака туманидаги «Шарқ ҳақиқати» ширкат хўжалиги бош пудратчилари

«УЙЧИ» КЎЙЛАГИ АЛБАТТА БЎЛАДИ

Уйчи туманидаги А.Навоий номли ширкат хўжалиги меҳнаткашлари меҳнатни ташкил этиш, ишлаб чиқаришга тадбиркорлик билан ёндошиши жиҳатидан вилоятда ўзига хос ўрин тутиб келаётган жамоалардан бири.

Иқтисодий ислоҳотларни барқарорлаштиришда ва меҳнаткашлар моддий фаровонлигини таъминлашда мазкур жамоада қилинаётган саъй-ҳаракатларга тўхталишимизнинг боиси бор, албатта. Ваҳоланки, бундан атиги тўрт йил аввал хўжалик ўзини ўзи бошқариш ва маблағ билан таъминлаш у ёкда турсин, сурункасига режаларни уддалай олмасдан санацияга тушганди.

Пароканда ликнинг сабаблари чуқур таҳлил этилди. Ишлаб чиқаришда йўл қўйилган нуқсонлар ошкора айтилди. Раҳбар тайинлаш ва ишчиларнинг моддий аҳволини яхшилашга эътибор қаратилди. Хўжаликдаги талон-тарожликка барҳам берилиб, ноқонуний ўзлаштирилган баъзи мулк шакли тегишли органлар ихтиёрига топширилди. Иш ҳақидан қарздорлик масаласи барҳам топди. Сансалорликдан ориятни устун билган деҳқон санация шунчаки имтиёз эмас, балки ўнгланиш учун ҳукумат томонидан яратилган яна бир имконият эканлиги ҳис этди.

Ширкат усули асосида фаолият бошлагандан сўнг меҳнатни қайта ташкил этиш ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд экин майдонлари танлов бўйича 90 нафар пудратчига бўлиб берилди. Натижада ҳар бир пудратчи ўтган мавсумда ғалладан ўртача 55 центнердан, пахтадан 40 центнердан хирмон уйиб, ҳам ўзининг рўзғорига, ҳам ширкатнинг иқтисодини мустаҳкамлашга ҳисса қўшди. Хонадонларда ўтаётган қўша-қўша тўйлар, қилинаётган янги иморатлар-у машиналар ана шу деҳқончилик туфайли олинган даромад самарасидир.

Ширкат тасарруфида 23 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Экин майдонлари тадбиркор деҳқонларга бўлиб берилгач, ишчи кучи қарийб тенг яримга қисқарди. Шу боис маъмурият билан касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасида ишлаб чиқаришни жадаллаштириш қаторида ҳар йилги даромаддан қишлоқларда янги ишчи ўринлари барпо этиш ва ёшларни меҳнатга жалб қилиш масаласи кенг ўрин олган. Ўтган даврда қишлоқларда 20 та савдо шохобчалари, 4 та тикиш-бичиш цехи, 6 та тегирмон, 5 та сартарошхона, 5 та новвойхона ишга тушди.

Қишлоқларни газ, ичимлик сув билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Даромад ҳисобидан иккита замонавий гузар яқинда ишга туширилди. Ёш оилалар уй-жой қилиб, кўчиб чиққан иккита маҳалла табиий газ, ичимлик суви билан таъминланди. Кўчалар асфальтланди.

Сарф-харажатлар пухта режалаштирилганлиги боис, ўтган мавсумда пахта таннархи аввалгиларга нисбатан бир неча ҳиссага камайди. Ёнилғидан бир мавсумнинг ўзида 60 тонна, ўғитдан унинг икки баравари тежалди.

Бирники элга, элники мингга татийди, деган гап бор. Хўжалик тасарруфида истиқомат қилувчи Маъсудахон Жўраева ҳам, Парпивой Холбоев ҳам кўп йиллардан буён нафақада, қарилик гаштини суришади. Уларнинг таъкидлашларича, ўтган йили ширкат бошқарув раиси келиб ҳар бирига 100 килограммдан буғдой улашиб, қарияларнинг дуосини олган. Хўжаликда яшаётган ҳар қандай нуронийдан ана шундай илиқ ва миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин.

Шу кунгача ширкат касаба уюшмаси берган йўлланма билан салкам 100 нафарга яқин киши республикамиздаги турли сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишган. Бундан ташқари, энг илғор пудратчилар ва қарияларни ҳар уч ойда бир марта Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга саёҳат қилдириб келиш анъанага айланган.

Айни пайтда ширкат хўжаликда 985 нафар ишчи турли юмушлар билан банд. Уларнинг яхши ишлаши ва меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Юртбошимиз Ўйчи туманининг Мирзо Улуғбек номидаги ширкат хўжалигида бўлиб, ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Ширкат хўжалиги аъзолари ушбу ташрифдан руҳланиб, жорий йилда пахта ва ғалладан янада юқори ҳосил олишга бел боғладилар. Айни чоғда хўжаликда агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилиб, ғўза ривожи кечикишининг олди олинмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

МАКТАБЛАР КОМПЬЮТЕРЛИ БЎЛДИ

Бухоро шаҳридаги 17- ва 35-мактабларда янги ўқув йилидан компьютер синфлари фаолият кўрсатадиган бўлди. Вилоят ва республика миқёсидаги танловларда муваффақиятли қатнашаётган ҳар иккала билим даргоҳига маҳаллий бюджет ҳисобидан умумий нархи 12 миллион сўмликдан зиёд компьютерлар жамланмаси ажратилди. Пешқу туманидаги 39-мактабга эса Бухоро аэропорти ҳомийлик ёрдами кўрсатиб, компьютер совға қилди.

Дарҳақиқат, Бухоро вилоятида ўрта мактабларни компьютерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Мана, тўрт йилдирки, вилоятда ҳар ойнинг тўртинчи душанбасида «Мактаблар куни» ўтказилмоқда. Тадбир куни ҳомийлар - йирик ташкилот ва корхона раҳбарлари ўзларига бириктирилган мактабларда бўлиб, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига кўмаклашибгина қолмай, ўқув даргоҳларини имкон қадар замонавий техника-компьютерлар билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Фермерлар, тадбиркорлар ҳам ўз фарзандлари таълим олаётган билим даргоҳларини оталиққа олган. Уларнинг ҳам «Мактаблар куни» тадбирида мактабларга компьютер совға қилиши одатий тусга кириб бормоқда. Бугун бухоролик ўқувчиларнинг аксарияти компьютер билан эркин «тиллашиш»дан ташқари, Интернетда ўз сайтларига эгалиги ҳам қувонарли ҳолдир.

Республикамиз шифо масканларида

Сурхон воҳасида дам олиш масканлари кўп. Бугунги кунда Жайронхона, Омонхона, Учқизил каби сиҳатгоҳлар инсон саломатлиги учун хизмат қилмоқда. Денов туманида Хазарбоғ санаторийси ҳам сўлим, хушманзара жойда жойлашган. Ушбу масканнинг ташкил топганига ҳам ўн беш йил бўлиб қолди.

Айни пайтда бу ерда қирқ беш нафар малакали ҳаким ва кичик тиббиёт ходимлари

ХАЗАРБОҚҚА БИР КЕЛИНГ

шифо излаб келганларга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Даволаш асосан халқ табобати анъаналари усуллари ёрдамида олиб борилади. Уқалаш, сув ости ваннаси,физиотерапия, туз ғори сингари муолажалардан ҳар ойда юз нафарга яқин киши соғайиб, меҳнат қучоғига, оила даврасига қайтмоқдалар. Бунда шифокорлар З.Раҳимова, Ж,Муҳаммадиева, Д.Маматалиеваларнинг меҳнати катта.

Дам олувчиларни жисмонан чиниқтириш мақсадида енгил спорт ўйинларини ташкил қилганмиз,- дейди бош шифокор Саттор Жумаев. — Сиҳатгоҳда улар теннис, шоҳмот шашка ва бошқа спорт турлари билан шуғулланадилар.Масканда ташкил этилган маънавият-маърифат хонаси дам олувчилар билан доимо гавжум. Касаба уюшмаси раиси Менгбой Мусулмонов беллашувлар,турли тадбирлар уюштиришда ва ишчи-ходимларни моддий рағбатлантиришда доимо фаол.

А.РАҲМОНОВ,
«Ишонч» мухбири

МУСОБАҚАДА 21 ТА МЕДАЛ

Академик эшкак эшиш бўйича Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон биринчилигида қорақалпоғистонлик спортчилар 21 та медал соҳиби бўлдилар.

- Шогирдларимиз яна бир марта Ўзбекистонда кучлилардан эканлигини кўрсатди, - деди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Владимир Пахомов. - Шулардан халқаро даражадаги спорт устаси Баҳодир Давлетёров битта олтин, битта кумуш, ёшлар ўртасида Нукус шаҳридаги 36-мактабнинг ўқувчиси Денис Пахомов учта олтин медал олишга муваффақ бўлди.

В. Пахомовнинг таъкидлашича, қорақалпоғистонлик спортчилардан Б. Давлетёров ва Р.Бичуринлар Ўзбекистон терма жамоаси таркибида жорий йилнинг август ойида Италиянинг Милан шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида, Денис Пахомов октябр ойида ёшлар ўртасида Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё биринчилигида қатнашади.

Қонликўл туманида аҳолига 1,2 километр узунликдаги табиий газ ва 2,5 километр узунликда ичимлик суви қувури фойдаланишга топширилди.

АҲОЛИГА ГАЗ ВА СУВ

- Бугунги кунда аҳолининг 99,5 фоизи табиий газ, 76 фоизи ичимлик суви билан таъминланган, - дейди туман ҳокимининг ўринбосари Қурол Хўрозов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Ўтган куни туман марказидаги А. Мусаев номли аҳоли пунктига 2,5 километр узунликдаги ичимлик суви, 700 метр узунликдаги табиий газ, "Олтинкўл" ширкат хўжалигидаги "Ипак йўли"аҳоли пунктига 500 метрга табиий газ қувури тортиб берилди. Айни кунларда "Бешкўприк" ширкат хўжалигидаги "Ноғайли" аҳоли пунктига 6 километрлик ичимлик суви қувури тортиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

СЎЛИМ ОРОМГОҲЛАР

ҳадемай болаларни ўз бағрига олади

Кунлар исиб, болаларнинг ёзги дам олиш мавсуми бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳадемай оромгоҳлар, соя-салқин жойлар болаларнинг шўх-шодон овозлари билан тўлади.

Шу боис мамлакатимизнинг кўплаб ҳордиқ чиқариш масканларида бу борада қизғин ҳозирлик кўрилиб, кенг кўламда қурилиш таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Бўстонлиқ туманининг тоғ ён бағирлари, хушманзара жойларига ҳар йили юртимизнинг турли бурчакларидан минглаб нафар болалар соғлиқларини тиклаб қайтадилар. Хусусан, ушбу мавсумда жами 41 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатади. Уларнинг барчаси Тошкент шаҳри ва вилоятидаги корхона ва ташкилотларга қарашли бўлиб, бевосита уларнинг ҳомийлигига олинган.

— Мавсумга ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўрдик, - дейди туман давлат санитария— эпидемиология станциясининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими мудири Муҳаббат Баратова. — Бўлимимизнинг асосий вазифаси - юқумли касалликлар ва овқатдан заҳарланишни олдини олиш, ташқи муҳитнинг болалар организмига таъсирини ўрганишдан иборат. Шу боис ўсмирлар орасидаги юқумли касалликларни камайтириш юзасидан аниқ дастурлар ишлаб чиққанмиз. Унга асосан ходимларимиз мавсум бошланиши олдидан ҳар бир оромгоҳда уч мартадан текшириш ўтказадилар. Булоқ сувлари ва очиқ сув ҳавзалари чуқур ўрганилади. Чунки, бу жойлар тоғли ҳудуд бўлгани туфайли, асосан булоқ сувларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, ётоқхона, ошхона, спорт майдончалари, тиббий пунктлар, муолажа хоналари шай ҳолга келтирилмоқда.

«Автомобилчи» болалар оромгоҳи ҳомийларнинг саъй-ҳаракати билан ёзги мавсумга тайёр. Бу ерда асосан автожамланмаларда хизмат қилувчиларнинг фарзандлари дам олишади. Бошқача айтганда, Ҳондайликда жойлашган 320 ўринга мўлжалланган мазкур масканда жами 1280 нафар болакай ҳордиқ чиқаради. «Ўзбектелеком» АЖга қарашли «Алоқачи» болалар пансионати ҳам ёзнинг илк кунларидан ўз фаолиятини бошлайди. «Ўзнефтгаз» бирлашмаси тасарруфидаги «Чотқол» оромгоҳи ҳам дам олувчиларни ўз бағрига олишга шай. Шуни айтиб ўтиш зарурки, ўзига хос табиатга эга бўлган, хушманзара ва кўркам тоғлар қўйнида барпо этилган ушбу маскан кўплаб хориждан ташриф буюрган меҳмонларнинг ҳам диққатини ўзига ром этган. Ҳомий ташкилот томонидан оромгоҳни таъмирлаш ва уни янги мебеллар билан жиҳозлаш учун 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳар ёзги мавсумда бу ерда алоқачиларнинг кўплаб ўғил-қизлари соғлиқларини тиклайдилар. Олмалиқдаги кимёвий моддалар ишлаб чиқариш комбинатига қарашли «Чимён» болалар соғломлаштириш масканига ҳам яқин кунларда кичкинтойлар ташриф буюрадилар. Бу ерда уч ой давомида 1500 нафар ўсмир дам олади. «Эльбрус», «Оқ елкан» оромгоҳларида ҳам болаларни кутиб олишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етмоқда. Муҳими, ўқувчиларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришлари учун ҳомий ташкилотлар ва туман ҳокимлиги вакиллари бир ёқадан бош чиқариб иш юритяптилар. Дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва белгиланган тартиб асосида фаолият кўрсатишлари учун ҳудуддаги барча таянч пунктлари, оромгоҳлар алоқа тармоғи ҳамда транспорт билан таъминланган.

Одил ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ёз имтиҳон қилади

«Ишонч» фош этади

Ўтган йили сентябр ойида янги бинода иш бошлаган Арнасой туман иқтисодиёт ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи меҳнат жамоасининг қувончи узоққа чўзилмади.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

ёхуд Арнасой касб-ҳунар коллежи қурувчиларининг ғирромлиги

Тўғриси, шошма-шошарлик, ҳайбаракачилик билан битказилган мазкур бинонинг ишкали чиқа бошлади. Бош пудратчи - Баҳром Каримов раҳбарлигидаги «Жиззахчўлқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари томонидан атиги етти ой ичида битказилган ҳайҳотдек бинонинг ташқарисидан қараганлар бунёдкорлар меҳнатига қойил қолишди. Бу ерда 470 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Қурувчилар ишни тамомлаб, бинони фойдаланишга топшириш олдидан бот-бот ваъдалар беришди. Бажарилмаган ишларни 15 октябргача тугалламоқчи бўлишди. Уларнинг ёлғон ваъдаларига ишонган коллеж жамоаси янги бионга ўтиб, 2002-2003 ўқув йиллари учун 170 нафар ўқувчи қабул қилиб олди. Жами талабалар сони 256 нафарни ташкил этди.

Янги ўқув йили бошланиши билан муаммолар қайнаб чиқа бошлади. «Маищий хизмат» ва «Алоқа уйи»нинг эски биноси таъмирланиб, янги қиёфага келтирилган коллежнинг томидан чакка ўтарди. Бир қаватли, ойналари бўлмаган ётоқхонада талабалар қиши билан совқотиб чиқишди. Спорт билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга ҳам бу ерда шароит йўқ. Стадион йўли асфалтланган. Лекин лоток ариқлар охиригача ётқизилмаган. Ёнғинга қарши кураш ускуналари йўқ.

Коллеж раҳбари Шавкат Пардаев ана шу камчиликлар ҳақида масъул раҳбарларга бот-бот мурожаат қилди. Бироқ бу нуқсонлар ҳалигача тугатилмаган.

Устига-устак буюртмачи — вилоят капитал қурилиш бошқармаси томонидан ҳозиргача 217 комплект жиҳозларнинг бир қисми олинмаган. Масалан, кроват учун 50 та тумба ўрнига 25 та, 200 та ярим юмшоқ стул ўрнига 145 та келтирилган холос. Ечиниш хонаси учун 4 та кийим илғич, 25 та бир ўринли ўқув столи сингари зарур жиҳозларнинг бирортаси олинмаган.

Қурувчи ва таъмирловчилар сунъий тарзда яратиб кетган бу каби ноқулайликлар коллеждаги ўқув-тарбия ишларига салбий таъсир этаяпти.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

МИЖОЗЛАРГА ЕТТИ ЯНГИЛИК

Мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган "COSCOM" Ўзбек-Америка қўшма корхонаси ўзининг етти йиллигини нишонламоқда. Яқинда қўшма корхонанинг янги замонавий типдаги уч қаватли биноси фойдаланишга топширилди.

Бинода Марказий Осиёда ягона бўлган коммутатор ўрнатилган. Компания фаолятининг етти йиллиги муносабати билан ўз мижозларига еттита янгилик тайёрлаб қўйди. Демак, хизматидан фойдаланишни истовчи ва айни пайтда фойдаланаётган ҳар бир киши бепул картани қўлга киритиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, айрим карталар учун тўлов нархлари арзонлаштирилди. Бундан ташқари эндиликда ишбилармонлар ўзлари учун қулай ва бирмунча арзон ҳамкор "Лайт" хизматларидан фойдаланишлари мумкин. "Фемели" люкс пакети эса оилалар манфаатини кўзлаб чиқарилган.

Яқин ойлар ичида компания Қорақалпоғистон ва Хоразмда ҳам ўз фаолиятини бошлайди.

Компанияда бунёдкорлик ишлари давом этяпти, янги бино олдида яна бир бино қад ростламоқда. У қўшма корхонанинг Тошкент шаҳридаги сервиз маркази бўлиб хизмат қилади.

"Туркистон-пресс"

КАСАБА УЮШМА СПОРТИ: ОММАВИЙЛИК, СОҒЛОМЛАШТИРИШ ВА МАҲОРАТ!

Ибрат

ИШДАН СЎНГ ЎЙИНГОҲГА

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, қолаверса, маҳоратли спортчилар тайёрлашда вилоятимиз касаба уюшмалари томонидан бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Агар сўнгги беш йиллик фаолиятимиз таҳлил қилинадиган бўлса, бу борада анчагина ютуқларга эришилганлиги ойдинлашади. Бу давр мобайнида оммавий спорт тадбирлари ҳамда уларда қатнашувчилар сони сезиларли даражада ортди. Вилоятимизнинг Тошкент, Қибрай, Паркент, Зангиота туманлари ва Бекобод шаҳрида бир нечта янги спорт иншоотлари ишга туширилди. Энг муҳими, ходимларимиз фаоллиги ошиб, куйи жисмоний тарбия жамоалари ишларида юксалиш кўзга ташланди. Масалан, Тошкент туманидаги «Тошкент», «Ҳасанбой», «Тулеби», Қибрай туманидаги «Дўрмон», «Қизил шалола»,Бўстонлиқдаги «Абай», Паркент туманидаги «Бойқозон», «Заркент», «Гулбоғ», Бўка туманидаги «Паркент», Ўртачирчиқдаги «Ўзбекистон» ширкат хўжаликлари, шунингдек, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати, Аммофос ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик жамияти каби корхоналардаги жисмоний тарбия жамоалари шулар жумласидандир. Ушбу хўжалик ва ташкилотлар раҳбариятлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари спорт ишларига катта аҳамият бермоқда. Қувонарли жиҳати, бундай жамоаларимиз йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.



Чекка қишлоқ, қўрғон ва маҳаллаларда оммавийликни ошириш, айниқса, болалар спортини ривожлантиришда спорт-соғломлаштириш клублари катта аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда Бўстонлиқда «Олтин калит», Зангиотада «Олтин тақа», Тошкент ва Қибрай туманларида эса футболга ихтисослаштирилган бир нечта ана шундай клубсовринли ўринларни эгаллашаяпти. Волейбол бўйича эркаклар ҳамда қўл тўпи бўйича аёллар жамоалари республика олий табақа мусобақалари пешқадамлари ҳисобланади.

Бекобод металлургия комбинати спорт клубида олиб борилаётган ишлар ҳам мақтаса арзигулик. Клуб қошида яқинда жаҳон андозаларига мос келадиган теннис мажмуи қуриб битказилди. Ёпиқ сув ҳавзаси ва спорт заллари мунтазам ишлаб турибди. Клубнинг «Металлург» футбол жамоаси мана бир неча йилдан буён мамлакат чемпионатининг олий табақасида иштирок этиб келаяпти.


Қибрай туманида жойлашган Тошкент Давлат Аграр университетининг «Талаба» спорт клуби моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида олийгоҳ раҳбарияти саъй-ҳаракати билан 200 миллион сўм маблағ ажратилди. Натижада барча спорт иншоотлари таъмирланиб, ҳар қандай нуфуздаги мусобақа ўтказса бўладиган ажойиб масканга айланди. Сўнгги икки йил ичида клуб тарбияланувчиларидан бир неча нафари кураш ва сузиш бўйича халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритди. Бунда спорт клуби раҳбари А.Абдусатторовнинг хизматлари катта бўлди. Дарвоқе, бундай ютуқларга эришаётган жисмоний тарбия жамоалари, спорт клублари, БЎСМлар раҳбарлари, мураббий ва тарбияланувчиларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратганмиз. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қарорига кўра ҳар йили энг яхши кўрсаткичларни қайд этган мутахассис, мураббий ва спортчилар тақдирлаб келинмоқда.

Йилдан-йилга оммавий тадбирлар сони ошиб, уларда қатнашувчилар сафи сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Масалан, 2000 йили «Соғлом авлод йили»га бағишланган спартакиадаларда 27660 киши қатнашган бўлса, 2001 йилги мусобақаларда бу рақам 32000 кишини ташкил этди. Бундан ташқари, вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасининг болалар ўртасидаги В.Фёдоров хотира турнири, автомобил транспорти ва йўл қурилиши ходимлари касаба уюшма қўмитасининг мини футбол беллашуви сингари ўнлаб анъанавий тармоқ мусобақаларида ҳам юзлаб меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Хулоса шуки, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, айниқса, ёшларни спортга жалб этиш жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта хизмат қилади. Бу хайрли мақсадни амалга ошириш йўлида келгусида белгиланган чора-тадбирларни дадил амалга ошираверамиз.

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги оламшумул ғалабаларида Тошкент вилояти касаба уюшма вакилларининг ҳам салмоқли улуши бор. Зотан, «Оммавийликдан — маҳорат сари» шиорини дастурилламал қилиб олган вилоят касаба уюшма спорти жонкуярлари шу эзгу мақсад йўлида кенг кўламдаги ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Нодир БАҲОДИРОВ,
Тошкент вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси ўринбосари



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида унутилаёзган халқ ўйинлари ва миллий спорт турларимиз, хусусан, миллий ва белбоғли курашларни жаҳон майдонларига олиб чиқиш борасида оламшумул ишлар қилинди. Бу фикрни яна бир ажойиб спорт туримиз — Турон яккакурашига нисбатан ҳам ҳеч иккиланмай айта оламиз. Чунки бугун Россия, Украина, Германия сингари узоқ хорижий мамлакатларда ҳам ушбу спорт тури билан минглаб ёшлар шуғулланмоқда.

Турон яккакурашини оммалаштириш ва ривожлантиришга вилоятимиз касаба уюшма вакиллари ҳам муносиб улуш қўшаётир. Ҳозирги пайтда вилоятимизнинг Тошкент, Зангиота, Қибрай, Янгийўл туманлари, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида тажрибали мураббийлар машғулотлар олиб боришмоқда. Файзулло Раҳимов, Бахтиёр Ҳидоятов, Саъдулло Хўжаев, Игорь Юй-Куй-Вен, Фарҳод Магометов каби фидойи ва изланувчан ҳамкасбларимиз шогирдлари қўлга киритаётган ютуқлар, айниқса, қувончлидир.

Тошкент туманида жойлашган миллий спорт турларига ихтисослашган Болалар ва ўсмирлар спорт мактабимиз бундан 4 йил аввал ташкил этилган бўлиб, унга 2002 йилдан бошлаб раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Бир вақтнинг ўзида вилоят Турон яккакураши Федерацияси раиси сифатида фаолият юритиш билан бирга асосий эътиборимни спортсевар ёшларга миллий яккакурашимиз сир-асрорларини пухта ўргатишга қаратяпман. Шукрки, меҳнатларимиз зое кетмаяпти. Шогирдларимиз турли мусобақаларда қатнашиб, муваффақиятларга эришмоқда. Мисол учун, 2001 йилда Турон яккакурашчиларидан 2 нафари спорт устаси, 13 нафари усталикка номзод, 20 нафари биринчи разряд талабларини бажаришди. Ўтган йилги натижалар эса янада салмоқли бўлди. Вилоят, республика ҳамда халқаро мусобақаларда 12 та мусобақа ва турнирда муваффақиятли қатнашган тарбияланувчиларимиздан 3 нафари спорт устаси, 18 нафари усталикка номзод, 23 нафари эса биринчи даражали спортчи унвонларини олишга муваффақ бўлди. Шу боис спорт мактабимиз вилоятдаги қишлоқ БЎСМлари орасида энг яхши деб топилди.

Жорий йилдан бошлаб, мактабимизда миллий ва белбоғли кураш бўлимлари иш бошлади. Айни кунларда 350 нафардан ортиқ ўқувчига ўн нафар тажрибали мураббий сабоқ беряпти. Кези келганда таъкидлашни истардим: спорт мактабимиз вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, жамиятимиз томонидан доимий равишда қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Ўйлайманки, шогирдларимизнинг ёрқин ғалабалари ҳали олдинда.

Акром ШЕРДОНАЕВ,
Тошкент туманидаги миллий спорт турларига ихтисослашган 4-БЎСМ директори

КАТТА ҒАЛАБАЛАР ОЛДИНДА

Энг яхши мураббийлар

Эркин полвон МУСАЕВ:

ШОГИРДЛАРИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Бугун 60 ёшни қаршилаётган Эркин ака Мусаевни мамлакатимиз спортсеварлари миллий спорт турларимиз жонкуяри сифатида билишади, ҳурматлашади. Зеро, у бутун ҳаётини миллий ифтихоримиз саналган спорт турлари – белбоғли кураш, улоқ-кўпкари кабиларни тарғиб қилиш ва ривожлантиришга бағишлаган инсон.

... Олти-етти чақирим узоқликдаги Пскент қўрғони бозорига йўл олган етти ёшли болакай отасидан ортда қолмасликка интилар экан, «Йўл бунча узоқ экан-а» деб ўйлар ва шу аснода эртага мактабга янги кийимда бориши ёдига тушиб мийиғида кулиб қўярди. Мана, ниҳоят, бозорга ҳам етиб келишди, керакли ҳамма нарсани харид қилишди. Сўнгра ота-бола шундоқ бозор дарвозаси ёнидаги гавжум чойхонага тамадди қилиш учун кирдилар. Шу палла, эндигина овқатланишни бошлашган ҳам эдики, чойхона ёнидаги очиқ майдонга йиғилган халойиқнинг ғала-ғовури уларнинг эътиборини тортди. Ота ёнидагилардан «У ерда нима бўлаяпти?» деб сўраган эди, «Кураш» деган жавобни олди. Ўғлига қаради. Эркин отасининг бу маъноли қарашини дарров тушунди: «Биз ҳам кўрсак бўладими, дада? Чойни кегин ичармиз».

Икковлон суқилиб кирган вақтда ўртада куннинг иссиқлигига қарамасдан тўн кийиб, белбоғларини бўшроқ боғлаган икки полвон бир-бирини йиқитишга ҳаракат қиларди. Уларнинг алпкелбат бўй-басти, чаққон ҳаракатларига ҳавас билан қараркан, Эркинда улардек полвон бўлиш, тумонат давра-одамлар олқишини олиш орзуси пайдо бўлди: «Дада, мен ҳам полвон бўламан!». Ота ўғлидаги бу зўр қатъиятни кўриб, меҳр ила бош силкиди. Даврага полвон болакайлар чиқа бошлаганида, айниқса, Эркиннинг завқи ошиб кетди. Бу шижоат ва ҳавас унинг ташқи кўринишида акс этди, шекилли, бир оқсоқол «Сен ҳам кураш тушасанми?» дея сўради. Эркин отасидан рухсат сўраш ҳам ёдидан чиқиб, шаҳд билан сакраб ўрнидан турди. Тик кўтарилган қўёшнинг аёвсиз қиздиришида кийган тўнига белбоғ бойлаётганларида Эркиннинг кўзи икки қўлини кўтариб алланималар деб пичирлаётган отасига тушди. Ғала-ғовур ичида отасининг сўзларини англаёлмаган бўлса-да, «Ўғлим, мени уялтирма!» деганига тушунди.

Эркин давра баковулининг имоси билан қоқ рақиб белбоғидан маҳкам ушлади, силтаб ўзига тортди. Сўнгра ҳеч кутилмаганда даст кўтариб, ерга урди. Эркин бу ҳалол ғалаба эканлигини билмасди. Баковул ўнг қўлини кўтариб, уни ғолиб дея эълон қилаётган вақтдаги гулдирос қарсаклар Эркиннинг хотирасига умрбод ўчмас бўлиб ёзилди. Зеро, шу воқеа сабаб у курашчи бўлишга аҳд қилди...

Йиллар ўтди. Ўрта мактабни битирган Эркин ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига ҳужжат топширди. Талабалик йиллари тажрибали мураббийлар сабоғини олди, сидқидилдан машғулотларга қатнади, ўз устида тинимсиз ишлаб, маҳоратини оширди. Интилганга толе ёр экан. У бир неча маротаба мамлакат чемпиони, халқаро мусобақалар совриндори деган шарафли унвонларни қўлга киритди. Ўнлаб иқтидорли шогирдлар тарбиялади. Халқаро майдонларда юртимиз шаънини баланд тутган полвонлар Олим Файзуллаев ва Дониёр Сайфутдинов, республика миқёсидаги мусобақалар совриндорлари – Шерзод Тошпўлатов, Лочин Мусаевлар Эркин аканинг ўгитларини олишди.

Кўплаб спорт усталарининг меҳрибон устози, кураш бўйича республика тоифасидаги ҳакам Эркин ака Мусаев бугунги кунда ҳам зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда. Вилоят спорт мактабида ўнлаб ёшларга кураш сирларини ўргатмоқда. Дарвоқе, Эркин ака каби ҳақиқий фидойи, жонкуяр инсон бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Негаки, ёшларга сабоқ бериш мақсадида Пскент қўрғони марказигача бўлган бир неча чақирим йўлни кунига иккй-уч маротаба пиёда босиб ўтиш учун шогирдларини ўз фарзандларидек кўриш, уларга қалб қўрини бериш талаб этилади. Боз устига, бугун Эркин ака ажойиб халқ ўйини – улоқ-кўпкарини тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатмоқда. Чунончи, туман миқёсида ташкил этилаётган мусобақаларга бош-қош бўлмоқда. Айтганча, Эркин ака меҳрибон ота сифатида фарзандларининг жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар бўлиб камол топишига алоҳида эътибор билан қарайди. Шу боис ҳам моҳир курашчи бўлиб етишган ўғли Лочин ҳозирги кунда ота изидан бориб, БЎСМда Турон яккакураши бўйича мураббий бўлиб ишлаяпти.

Хуллас, спортимизнинг чин фидойиси, тажрибали мураббий Эркин ака Мусаевнинг ҳаёт ва фаолият йўли ёшларга ибрат бўларли. Зеро, ундан жонкуярликни, самимиятни, ўз ишига масъулият билан ёндошиш каби олижаноб фазилатларни ўргансак арзийди.

Саидориф ПЎЛАТОВ,
вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлим мудири

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфидаги спорт мактабларида 127 нафар мураббий спортнинг 24 тури бўйича 4990 нафар йигит-қизга сабоқ бермоқда.

* * *

ЖТСЖ тасарруфидаги БЎСМларда бултур 17 та спорт устаси, 177 та усталикка номзод, 200 та биринчи ҳамда 2002 та оммавий разрядли спортчилар тайёрланди.

* * *

Ўтган йили вилоят касаба уюшмалари спортчиларидан 276 нафари республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этди. Уларнинг 240 нафари совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Жаҳон Универсиадаси совриндори Алишер Мамбеков, қитъа чемпиони Вячеслав Тен, Осиё ўйинлари ғолиби Дилшод Мансуров, Осиё ўйинлари совриндори Эгамназар Акбаровлар шулар жумласидандир.

УЧ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ — БИЗДАН



УЧ КАРРА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ — БИЗДАН

Фахр

Фарзандларимизни жисмоний бақувват, маънавий баркамол этиб тарбиялаш, спорт машғулотларига доимий жалб қилиш орқали маҳоратларини ошириш, моҳир спортчилар тайёрлаш касаба уюшмалари зиммасига юклатилган. Бу масъулиятли вазифани муваффақиятли адо этишда БЎСМлар фаолиятини тўғри ташкил этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти тасарруфида 12 та БЎСМ бўлиб, уларда 127 нафар мураббий спортнинг 24 тури бўйича 4990 нафар ўғил-қизга сабоқ бермоқда. Албатта, ушбу спорт мактабларида тарбияланаётган ёшларнинг барчаси ҳам таниқли спортчи бўлиб етишади, дея олмаймиз. Зеро, спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланаётган фарзандларимиз жисмонан етук бўлишса, бу соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг келажакда эл-юртга фойдаси тегадиган инсонлар бўлиб ўсишлари учун мустаҳкам пойдевор бўлади. Бироқ умумсаломатлик вазирлиги ҳақида маълумот киритилмаган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган, дов-дарахтлар ҳамда электр тармоқларининг тиргакларига жойлаштирилганлиги боис мутасаддилар томонидан эътироз билдирилди.

Амалдаги қонунда кўчалар ва улгуржи бозорларда тамаки маҳсулотлари ва ушбу соҳанинг маркаларини реклама қилиш тақиқланади. Шу масала бўйича Қарши шаҳрида мониторинг ўтказилганда 21 жойда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Қонуннинг 23-моддаси талабларига зид равишда шаҳарнинг «Ўзбекистон овози» кўчасида жойлашган тадбиркор Х.Жавлиевага қарашли гўшт дўконига «Хон» ва «Голливуд» тамаки маҳсулотлари тасвири туширилган пешлавҳа илиб қўйилган. Ғузор кўчаси 3-уйдаги тадбиркор Н.Пирназаровнинг савдо дўкони ташқарисида «Хон» сигарети рекламасига кўзингиз тушади. Бундай камчиликлар «Юртим жамоли» фирмасининг «Гулинур», «Қаршитаом» жамоа фирмасининг «Фарангиз», «Ўзбекистон» кўчасидаги «Хот-дог» кафеларида, якка тартибдаги тадбиркорлар И.Ражабов, У.Ҳакимовларнинг савдо дўконлари , Амир Темур кўчаси 118-уйда жойлашган «Американос индустириc» Ўзбек Америка қўшма корхонаси рекламасида ҳам мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўплаб корхоналар бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотишда катта қийинчиликларга дуч келаётганликлари таъкид қилинди. Айни пайтда вилоят саноат корхоналарида сотилмай уюлиб ётган маҳсулотлар ғоятда катта суммани ташкил этади. «Шаҳрисабз шароб-ароқ», «Мевалар камалаги», «Каштекс» ҳиссадорлик жамиятларида катта миқдордаги маҳсулотлар сақланиб қолганлиги реклама бозорининг қониқарсиз аҳволини кўрсатиб турибди.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги асосий боғловчи восита ҳисобланган реклама фаолиятини давр талаби даражасида амалга ошириш пайти келди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Масала кўндаланг қўйилади

«РЕКЛАМА ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ҚАЕРДА БУЗИЛМОҚДА?

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳақида алоҳида маълумот беришда рекламанинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Кимки кучли рақобат шароитида муваффақият қозонмоқчи бўлса, бундай маблағларни излаб топиш, ўз маҳсулотларини реклама қилишга жиддий эътибор бериши керак бўлади».

Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни истеъмолчилар, товар ишлаб чиқарувчилар ва барча алоқадор томонларнинг манфаатларини кафолатлайди. Ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг турли жабҳаларини ифодаловчи бу муҳим ҳужжат айни пайтда реклама бозорини тартибга солиб туради.

Ҳозирги кунда телевидение, радио, газета ва бошқа оммавий ахборот воситалари фаолиятини рекламасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бироқ унутмаслик лозим, берилаётган реклама қонун доирасида амалга оширилиши керак. Бу соҳада давлат назоратини монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмиталари зиммасига катта масъулият юклатилган.

Қашқадарё вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ходимлари рекламанинг қонун доирасида бўлишини таъминлаш, истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар тарқатишнинг олдини олишга қаратилган таҳлил ва кузатувлар олиб боришаяпти.

Ўтказилган мониторинглар вилоят ҳудудида товар маҳсулоти ишлаб чиқараётган, сотаётган ёки хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда рекламага қизиқиш ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Аммо, ахборот тарқатиш ва тайёрлашда масъул мутасадди корхона ҳамда ташкилотларнинг қонун талабларига амал қилмаслик ҳоллари ҳам учрамоқда. Текширишларда қонунда тақиқланган ташқи ва тамаки маҳсулотлари рекламасини жойлаштириш тартиблари бузилаётганлиги маълум бўлди. Жумладан, Қарши шаҳри «Ўзбекистон» кўчаси 22-уй 8-хонадонда яшовчи якка тадбиркор Ш.Кенжаев ўзининг гинекология хизмати кўрсатувчи хусусий шифохонаси ҳақида «Олий тоифали гинеколог шифокор, тиббиёт фанлари номзоди ташхис ва даволашда 98 фоиз кафолат берадиган мазмунидаги ахборотни жойлаштирган. Бу «Реклама тўғрисида»ги Қонунга зид. Чунки медицина юксак ютуқларга эришган мамлакатларнинг кўзга кўринган олимлари ҳам тиббиёт соҳасида бунчалик тўлиқ кафолат беролмайди.

Ғузор кўчасидаги «Ўзбек - Сингапур» қўшма корхонаси томонидан жойлаштирилган 2 литрли идишдаги пахта ёғи ва 0.66 литрли минерал сувига оид реклама маҳсулотларнинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот киритилмаган. «Ўзбекистон» кўчасидаги чорраҳа атрофида уяли алоқа компаниясининг товар белгиси тўғрисидаги маълумотлари дов-дарахтга палапартиш илиб қўйилганлиги учун олдириб ташланди.

«Даверс» фирмаси томонидан Қарши шаҳрида ўрнатилган «Ҳазиналар ороли» пул буюм лотереяси хусусидаги ташқи рекламаларда ахборот тарқатувчининг номи, лотереянинг тегишли тартибда лицензияланганлиги ҳақида маълумот киритилмаган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган, дов-дарахтлар ҳамда электр тармоқларининг тиргакларига жойлаштирилганлиги боис мутасаддилар томонидан эътироз билдирилди.

Амалдаги қонунда кўчалар ва улгуржи бозорларда тамаки маҳсулотлари ва ушбу соҳанинг маркаларини реклама қилиш тақиқланади. Шу масала бўйича Қарши шаҳрида мониторинг ўтказилганда 21 жойда қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Қонуннинг 23-моддаси талабларига зид равишда шаҳарнинг «Ўзбекистон овози» кўчасида жойлашган тадбиркор Х.Жавлиевага қарашли гўшт дўконига «Хон» ва «Голливуд» тамаки маҳсулотлари тасвири туширилган пешлавҳа илиб қўйилган. Ғузор кўчаси 3-уйдаги тадбиркор Н.Пирназаровнинг савдо дўкони ташқарисида «Хон» сигарети рекламасига кўзингиз тушади. Бундай камчиликлар «Юртим жамоли» фирмасининг «Гулинур», «Қаршитаом» жамоа фирмасининг «Фарангиз», «Ўзбекистон» кўчасидаги «Хот-дог» кафеларида, якка тартибдаги тадбиркорлар И.Ражабов, У.Ҳакимовларнинг савдо дўконлари , Амир Темур кўчаси 118-уйда жойлашган «Американос индустириc» Ўзбек Америка қўшма корхонаси рекламасида ҳам мавжуд.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўплаб корхоналар бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётганлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини сотишда катта қийинчиликларга дуч келаётганликлари таъкид қилинди. Айни пайтда вилоят саноат корхоналарида сотилмай уюлиб ётган маҳсулотлар ғоятда катта суммани ташкил этади. «Шаҳрисабз шароб-ароқ», «Мевалар камалаги», «Каштекс» ҳиссадорлик жамиятларида катта миқдордаги маҳсулотлар сақланиб қолганлиги реклама бозорининг қониқарсиз аҳволини кўрсатиб турибди.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги асосий боғловчи восита ҳисобланган реклама фаолиятини давр талаби даражасида амалга ошириш пайти келди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ЯҚИН КЎМАКДОШИМИЗ

«Лочин» футбол жамоамиз тўрт йилдан буён касаба уюшмалари вилоят биринчилигида қатнашиб келяпти. Биринчи йили вилоят кубоги финал босқичида иштирок этдик, биринчиликда эса бешинчи ўрин билан кифояландик. 2001 йилги биринчиликда бир поғона юқори кўтарилиб, Самарқанд вилояти Нарпай туманининг Оқтош шаҳрида ташкил этилган республика «Олтин бошоқ» турнирида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик. Ўтган йилги мусобақаларда эса совринли – иккинчи ўринни қўлга киритилди.

Бу йил жамоамиз ўз олдига чемпионликни мақсад қилиб қўйган. Куни кеча иккинчи тур баҳсида ишончли ғалаба қозондик. Ҳозир тўрт очко тўплаб пешқадамлар сафида бораяпмиз. Бу ютуқларни қўлга киритишимизда ширкат хўжалиги ва касаба уюшма қўмитасининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, хўжалигимиз раиси Алишер Акрамов доимо бизни қўллаб-қувватлаб келаяпти. Бундан ташқари, тадбиркорлар Бахтиёр Абдиазов, Ғофур Раимов, Абдулҳай Ортиқбоевлар ҳам ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Туман ҳокимлиги эса жорий биринчилик бадалини тўлаб берди.

Шу ўринда туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрлик, эътиборни таъкидлаб ўтиш лозим. Жамият мутахассислари машғулотларни ўтказишда назарий маслаҳатлари билан катта ёрдам беришаяпти. Шунингдек, футболчиларимиз рағбатлантириб борилмоқда. Масалан, яқинда тўрт нафар энг яхши футболчимизга жамият томонидан совғалар топширилди.

Зокир РАИМОВ,
Чиноз тумани Навоий ширкат хўжалиги спорт йўрикчиси

Тадбиркорлик — давр талаби

ГОЯТДА СИФАТЛИ, ХАРИДОРГИР



Кумқўрғон енгил саноат касб-ҳунар коллежида 423 нафар ўқувчи тўқимачилик, миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, молия-иқтисодчи, ЭҲМ оператори, ҳисобчилик йўналишлари бўйича таълим олишади. Коллежда ҳар бир соат дарс замонавий жиҳозланган синфхоналарда кўргазмали қуроллар асосида муҳандис-педагоглар томонидан олиб борилади. Ўқувчилар назарий билимларини ҳафтанинг бир кунида, коллеж тасарруфидаги тикувчилик, йигирув-тайёрлов, тўқув, бўёқлаш-пардозлаш цехларида амалиётда қўллайдилар.

Коллежга тадбиркор ва ишбилармон Ўроқ Мардонқулов анча йиллардан бери директорлик қилиб келади. Унинг ташаббуси билан коллеж тасарруфида хўжалик ҳисобидаги «Маҳорат» кўп тармоқли ўқув ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Корхонада тикувчилик ва тўқимачилик ишлари амалга оширилади. Шунингдек, трикотаж буюмлари ишлаб чиқарилади. Айни кунда 24 нафар ишчилар бу ерда самарали меҳнат қилаяптилар. Яқинда вилоятдаги коллежлар қошидаги ишлаб чиқариш цехларининг тайёр маҳсулотлари бўйича тендер ўтказилди. Унда Кумқўрғон енгил-саноат касб-ҳунар коллежининг хўжалик ҳисобидаги «Маҳорат» кўп тармоқли ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг маҳсулотлари энг сифатли, харидоргир дея тан олинди. Натижада улар Андижон вилоятида ўтказиладиган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари мусобақаси учун 200 жуфт спорт кийим-бошлари тикиб беришдек юксак ишончни қўлга киритди.

– Коллеж раҳбарияти билан ҳамкорликда қабул қилинган 2002-2004 йилларга мўлжалланган жамоа шартномамизнинг барча бандлари рисоладагидек амалга оширилиб келинмоқда. Бу йил ўқув ишлаб чиқариш корхонасида 50 та янги иш ўрни ташкиллаштириш режамиз бор эди. Айни кунгача 24 та иш ўрнини ташкил этган бўлсак, йил охиригача яна 26 та янги иш ўринларини жорий этамиз. Чунки корхонамиз эндиликда академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларига буюртма асосида кўрпа-тўшак, спорт буюмларини тайёрлаб беради. Табиийки, бунинг учун янги ишчи кучлари зарур бўлади, - дейди коллеж бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Чори Мустафоқулов.

Ҳа, эзгулик ишбилармонлик ва тадбиркорлик билан қувватланиб боради. Коллеж раҳбарларининг тинибтинчимаслиги боис ташкил этилган корхонанинг илк маҳсулотлари бугун ўз харидорини топди. Ишлаб топилган маблағ хайр-саховат ишларига сарфланди. Коллежда таълим олаётган ногирон ва ота-онасиз Сурайё Тошанова, Искандар Темиров, Мардон Жўраев, Мансур Чўтбоев, Нуриддин Абдураҳмонов каби талабаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўқув тарбия ишларини ривожлантиришга сарфланди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

2003 йил – Обод маҳалла йили

ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛМОҚДА

Миллатимиз тарихи, маданияти, миллий қадриятлар ва қадимий маданий меросни ўрганиш бугуннинг долзарб вазифаси бўлиб қолар экан, назаримда «Обод маҳалла йили» ҳам бу борада алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Биз, маданият ходимлари ҳам мазкур йил салобати билан халқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишидан умидвормиз. Дастур асосида аниқ режа-тадбирлар белгилаганмиз ва унга кўра жойларда кенг кўламдаги амалий ишларни бошлаб юбордик.

Ҳозирги кунда вилоятимиз шаҳар ва туманларида 120 та клуб, 265 та кутубхона, 18 та болалар мусиқа мактаби, Жиззах санъат коллежи, халқ ижодиёти илмий маркази, ўлкашунослик музейи, марказий кутубхона, театр, кўғирчоқ театри, вилоят мақом жамоаси «Ўзбекракс», «Ўзбекнаво» вилоят бўлимлари каби ўнлаб маданият муассасалари халқимизга хизмат қилиб келаяпти. Жойлардаги ҳаваскорлик тўгарак ва жамоаларда 8311 нафар жамоатчилик вакилларининг иштирок этаётгани қувонарлидир. Уларнинг 7170 нафари ҳаваскор ёшлар эканлиги киши кўнглига таскин бериши шубҳасиз.

Ҳаваскорлик жамоалари шаҳар, туман, вилоят, республика босқичларида ўтказилаётган оммавий тадбирларда, кўрик-танлов ва фестивалларда, шунингдек, турли маданий-маърифий, оммавий спорт тадбирларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар.

Ана шу марказ томонидан жорий йилнинг февралида «Обод маҳалла йили»га бағишланган фольклор жамоаларининг вилоят кўрик-танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари бўлган Ғаллаорол ва Зомин туманлари жамоалари республика «Наврўз» байрами тантаналарида ўз чиқишлари билан муваффақиятли қатнашиб қайтдилар.

Март ойида «Наврўз наволари» эстрада қўшиқлари вилоят кўрик-танлови ўтказилиб, унинг ғолиблари «Наврўз» умумхалқ байрамида меҳнаткашларга хизмат кўрсатишди.

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан апрел ойида вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг «Маҳалла – санъат булоғи» кўрик-танлови янги номларни кашф этди, десам муболаға бўлмайди. Айниқса, унда вилоятнинг йироқ туманларидаги чекка қишлоқларидан иштирок этган санъат ихлосмандлари «Талант – халқ мулки» эканлигини яна бир бор исбот этди, назаримда.

Жиззах туман марказий маданият уйининг «Зебохон» фольклор жамоаси 14-15 апрел кунлари Наманган шаҳрида алла ижрочиларининг республика кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиб, «Энг яхши халқ удуми» дастури бўйича ёзилган алла учун ҳам биринчи мукофотни қўлга киритиб қайтди.

Зомин туманидаги «Сайқал», Бахмал туманидаги «Бахмал» фольклор жамоалари сафига куни кеча Фориш туманида ташкил этилган «Жийда попук» фольклор дастасининг қўшилгани нур устига аъло нур бўлди.

Ҳозирги кунда «Обод маҳалла йили»га бағишлаб «Жиззахни мадҳ этувчи қўшиқлар» вилоят кўрик-танловига қизғин ҳозирлик кўрилаяпти.

Йил давомида ўтказиладиган шу каби тадбирлар маданият ва санъат йўлида янги номларни кашф этиши шубҳасиз.

Эргаш ЎРИНОВ,
Жиззах вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ва кўҳна маданиятига бағишланиб уюштирилаётган илмий анжуманлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда. «Ўзбекистон ўрта асрда: тарих ва маданият» деган мавзуда ўтказилган навбатдаги халқаро конференция ҳам муҳим илмий воқеа бўлди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг тарих институти билан Тошкентдаги Марказий Осиёни тадқиқ этиш француз институти ҳамкорлигида ташкил этилган бу анжуманда Америка, Германия Франция, Туркия каби хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган шарқшунос, тарихчи, матншунос олимлар ҳам илмий чиқишлар қилдилар.

Ўзбекистон ёш олимлари Миллий жамиятининг халқаро илмий ҳамкорлиги натижаси ўлароқ уюштирилган бу нуфузли анжуман материаллари тўплам қилиб чоп этилди ҳамда ундан чет эллик олимлар маърузалари баёнлари ҳам ўрин олди.

НАМУНАЛИ ЁТОҚХОНАЛАРГА – МУКОФОТЛАР

Таълим ва фан ходимлари республика касаба уюшма Марказий қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Энг намунали талабалар ётоқхонаси» республика кўрик-танловига якун чиқарилди. Унда республикамиздаги 30 дан ортиқ олий ўқув юрти талабалари ётоқхонаси қатнашиб, совринли ўринлар учун беллашдилар. Шулардан бир нечтаси ғолиблар қаторидан ўрин олишди.

Қорақалпоғистон Давлат университети ҳамда Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ётоқхоналари кўрик-танловда биринчи ўринни қўлга киритдилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам ўз фаолиятини яхши ташкил этиб, барча қулайликлар яратиб берган талабаларнинг иккинчи уйларига насиб этди.

«Энг яхши маънавият ва маърифат хонаси» номинациясида ғолиб чиққан Қарши ва Андижон Давлат университетлари ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ётоқхоналари телевизор, видеомагнитафон ва аудио аппаратлар билан тақдирландилар.

Кўрик-танлов доирасида «Талабалар ётоқхонасининг энг яхши тарбиячиси» номинациясида Тошкент молия, архитектура ва қурилиш институтлари ҳамда Тошкент Давлат техника университети вакиллари ғолибликни қўлга киритдилар.

Кўрик-танловдан ташқари қатнашган II Тошкент Давлат тиббиёт ва Тошкент Давлат юридик институтлари биринчи даражали диплом билан мукофотландилар.

Бор бўл, оқибат!

Олтинсойлик Абдумалик Қодиров «Шакарқамиш» ширкат хўжалиги ҳудудидан 6,20 гектар ер олиб иш бошлаганда, тўғриси кўпчилик унга ишонмаган эди. Аммо ишбилармонлиги, узоқни кўра билиши, қолаверса, ернинг тилини яхши билиши унга қўл келди. У ташкил этган «Шукрулло» фермер хўжалигининг шуҳрати тилга тушди. Ғалла ва пахта тайёрлаш режалари ошириб бажарилди. Меҳнат ва шижоатга яраша даромад ҳам олишди. Фермер Абдумалик Қодиров эса ютуқлардан ҳаволаниб кетмади, аксинча янги имкониятлар излади. Ҳосилдорликни ошириш учун илғорлар тажрибасига суянди. 7 нафар ишчи-хизматчи билан гапни бир ерга қўйиб, савоб ишларга қўл урди.

ФЕРМЕРНИНГ ТЎЙГА ТЎЁНАСИ

24-умумтаълим мактабининг 4 нафар аълочи ўқувчиларига рағбатлантирувчи мукофот жорий этди. Меҳр-мурувват ва саховат улашувчи «Наврўз» байрами муносабати билан «Экраз» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Эшпарда Муҳаммадиевнинг ўғлини суннат тўйини ўтказиб берди. Шунингдек, кам таъминланган оила фарзанди Маҳмуджон Пардаевнинг никоҳ тўйини ҳам фермер ўз ҳисобидан ўтказиб беришни зиммасига олди. Олтинсой туманида бўлиб ўтган «Наврўз» сайли байрамида кураш тушган полвонлар беллашувига бир бош қўй ҳам фермер номидан қўйилди.

– Соф фойдамиз ҳисобидан «Экраз» маҳалласидан иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган элдошларимиз учун «Хотира хиёбони»ни ташкил этдик. Хиёбонга ўрнатилган мармар тошга марҳумларнинг исми-шарифини ёзиб қўйдик, - дейди «Шукрулло» фермер хўжалиги бошлиғи Абдумалик Қодиров.

– Фермер хўжалигимизда амалга оширилаётган ишларнинг асосий мезони, ишчи-хизматчиларимизга яратилган қулай иш шароити-ю уларнинг меҳнатларига яраша иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилишидир. Амалдаги жамоа шартномамизга асосан, ишчиларимизга ҳар ойда иш ҳақи нақд берилади. Ҳар байрамларда пул мукофотлари, эсдалик совғалари улашиш ҳам йўлга қўйилган. Энг муҳими эса ишчиларимизнинг ҳар бирига соғин сигир бузоғи билан бериб қўйганмиз. Бу эса уларнинг иқтисодини кўтариб, фарзандларини баркамол, соғлом ўсишини таъминлайди ва рўзғор тўкинлигига асос бўлиб хизмат қилади, - дейди фермер хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Муқаддам Эшмуродова.

Д.РУСТАМОВ.

КУНЛАРНИНГ БИРИДА

Машҳур инглиз табиатшуноси Чарлз Дарвин болалик чоғида мактабда ўқитиладиган дарсларга ҳафсаласизлик билан қараган. Табиатга саёҳат ва саргузаштларга, ҳайвонот дунёсига эса унинг иштиёқи жуда зўр бўлган экан.

Бир куни отаси уни, кўриб қолибди:

– Менга қара ўғлим! Сен ов билан ит ва каламушлардан бошқа нарсани билмайдиган бўлсанг, ўзингни ҳам шарманда қиласан, оиламизга ҳам иснод келтирасан, ахир!

Маълумки, Чарлзнинг ҳайвонларга ишқибозлиги Дарвинлар оиласига иснод эмас, оламшумул шуҳрат келтирди.

* * *

Кунларнинг бирида Д.Менделеев ўзининг ишхонасига немис олими Венклернинг портретини осиб қўяди. Дмитрий Ивановичнинг Винклерни танимайдиган дўстлари ундан немис олими қандай хизматлари билан унинг ҳурматига сазовор бўлганлигини сўраганларида, Д.Менделеев: «Венклер мени қайтадан бунёдга келтирди», – деб жавоб берган.

Маълум бўлишича, Венклер Менделеевнинг табиатда экасилиций номли ноёб металлар бор деб башорат қилиб айтган сўзларидан 16 йил кейин тажриба йўли билан бу ноёб металлнинг кумушсимон аргиробит рудасида мавжудлигини аниқлаган экан.

А. АКБАРОВ

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-ўрта мактабда ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароит муҳайё этилган. Фан кабинетлари, спорт зали ҳавас қилгудек. Энг тажрибали, чуқур билимли муаллимлар тажрибаси кенг оммалаштирилаяпти.

— Шу боис йил сайин яхши натижаларга эришаяпмиз,- дейди 4 «а» синф раҳбари Миноввар Алиева. — Жумладан, якунланган ўқув йилида бизнинг синфдан 20 нафар аълочи ўқувчи қайд этилди. Сўнгги қўнғироқ тантаналари жуда чиройли ўтди. Ўғил ва қизлар ажойиб рақс ва ўйинлар намойиш этдилар.

Ш. САРИЕВ
олган сурат



Бу турфа олам

МАКАРОНЛАР МУЗЕЙИ

Италиянинг курорт шаҳри – Сан Ремо яқинида «Макаронлар музейи» жойлашган. Экспозицияларда хамирдан таёрланган юзлаб хил макаронлар қўйилган.

Музей ташкилотчиси макаронлар италияда кашф қилинганини исботловчи маълумотларни тўплаб, уни томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Ваҳоланки, шу пайтгача макаронларни тайёрлаш усулини Хитойдан таниқли саёҳатчи Марко Поло XIII асрнинг охирида олиб келган, деган фикр юрарди. Музей маълумотномасида бу фикр нотўғри эканлиги баён этилди. Буни 1252 йилдаги ҳужжат ҳам тўла тасдиқлайди. Бу ҳужжат Генуядаги архивдан топилган бўлиб, унда бир итальян аскарнинг қуроллари ва шахсий буюмлари ҳақидаги ёзувлар билан бир қаторда, макарон солинган бита ҳалтача ҳам бўлганлиги қайд этилган эди.

ИТАЛЬЯН УЙ БЕКАЛАРИГА ХОС

Италиядаги спортга ихтисослашган институт ходимлари уй бекаларидан 37 ёшли, иккитадан фарзанди бўлган аёлларни танлаб олиб, ўртача кунлик юмушларини ўрганишди. Буни айрим спорт турлари билан солиштириб чиқишди ҳам.

Маълум бўлишича, уй бекаларининг кун бўйи бажарадиган 8 соатлик турли уй юмушлари – 2 марта футбол ўйнаш, велосипедда 80 километр йўл босиш ёки 2 соат тинимсиз теннис ўйнаш билан баробар экан.

Эслатиб ўтиш керакки, бу кузатиш фақат итальян уй бекалари хусусида амалга оширилди.

Туронзамин дарғалари

«МИНГ МАЪНИНИ БИР НУКТА БИЛА МУХТАСАР ЭТТИМ»

Бобораҳим Машраб мумтоз адабиётимиз намоёндалари орасида ўз тили, ўз услубига эга оташнафас шоирлардандир. Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, унинг шеърларида ҳар вақт кучли бир завқни кўриш мумкин. Машраб ғазаллари ифодаси билан халқ тилига, ғоялари билан халқ кўнглига яқин шеърият. Шундай бўлса-да, ўзбек адабиётининг ушбу ёрқин намояндаси ҳаёти ва адабий меросига оид қатор муаммолар мавжуд. Булардан бири шоирдан девон қолмаганлиги ёхуд бизгача унинг девони етиб келмаганлигидир.

Машраб шеърлари Порсо Шамсиев ва Абдуқодир Ҳайитметовлар томонидан илк бор жамланиб китобхонларга тақдим этилгандан буён қайта-қайта чоп этилмоқда. XX асрнинг 50-йилларидан бугунга қадар Машраб ижодиётининг ўндан ошиқ нашрлари амалга оширилди. Аммо, бу Машраб шеърларининг ҳаммасини ёки тўпламларга киритилган асарларнинг барчаси ҳам Машрабга тегишлими деган мунозараларга якун ясай олгани йўқ.

Машраб – шоҳ дарвеш. Ишқ ва жозиба, руҳ ва руҳоният масалаларида Машрабдан сўнг бу қадар юқорига кўтарила олган шоирни кўриш мушкул. Машраб қиёфасида ҳамиша беқарор ошиқ ва саргардон қаландар сиймоси мужассам. Шу билан бирга у ҳассос қалб эгаси ҳамдир. Машрабнинг ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган Офоқхўжа ҳузурида мурид туриши билан боғлиқ узоқ бир давр борки, бу бевосита унинг ижодига ҳам таъсир этган. Шу сабаб Машраб меросини XVII-XVIII аср Шарқий Туркистон адабий муҳитида фаолият кўрсатган ижодкорлар билан қиёслаб ўрганиш адабиётшуносликдаги баъзи баҳсталаб нуқталарга ойдинлик киритган бўлар эди.

Осим Боқиевнинг мақолаларидан бирида шоирга замондош, Офоқхўжа ҳузурида боғбон бўлган Гумноннинг «Чиқсам кўчага шаҳсуворим келадур», шоир Залилийнинг «Сени Лайли-ю Раънодек ажойиб дилрабо дерлар» мисралари билан бошланувчи ғазаллари Машрабга нисбат берилишини айтганлар.

Чиндан ҳам Муҳаммад Сиддиқ Залилий Машраб билан бир ижтимоий-адабий даврга мансуб ижодкор. У ҳижрий 1087-1091 (мелодий 1676-1680) йиллар оралиғида Ёркентда туғилган. Шоирнинг каттагина девони (1720), «Тазкираи Хожа Муҳаммад Шариф бузургвор» (1742) достони, «Тазкираи чилтан»565 байтли (1776) ривоят ва 1400 байтли «Сафарнома» асарлари мавжуд.

«Вақти баҳори гул эрур мавсуми арғувон қиз», «Эй жилваи жамолинг дарёй нур эмасму?», «Ишқи азалида бор эди йўқ эди мосуво ҳануз» сатрларидан ҳам билиш мумкинки, Залилий иқтидорли шоир бўлган. Қаралаверса, у тили, иборалари, ғоялари билан Машрабга жуда ўхшайди. Аммо, Залилий шеърларида завқ, туғён, руҳий кўтарилиш Машрабдаги сингари эмас. Буни Машраб меросида ҳам, Залилий девонида ҳам учрайдиган «Эттим» радифли ғазал мисолида кўришимиз мумкин. Шеърнинг:

То олами зоҳирга келиб ман гузар эттим,
Тарк айладиму жумлани қатъи назар эттим.

Аҳволи кўнгул айгали бир маҳраме топмай,
Зулмингни қариндошу ғамингни падар эттим.

Савдойи саҳар зулфунг учун неча маҳалдур,
Жон кишварини бузди му зеру забар эттим.

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас ҳирқани кийдиму ўзум дарбадар эттим

байтлари ҳар иккала шоирда бир хил, ҳеч ўзгаришсиз келтирилади. Адабиётда тазмин, яъни бирор шоирнинг бир ёки икки байтини кўчириб, шу вазн ва қофияларда шеър ёзиш сингари ижодий ҳодисалар учраб туради. Аммо 7 байтли ғазалнинг 4 байтини айнан кўчириш ижодий ва ижобий ҳодиса эмас. Қолган уч байт ҳам ўзаро ўхшаш.

Меҳмон агар келса Залилий емагил ғам,
Хуни жигарим жаъм қилиб моҳазар эттим,

– мақтаъси иккинчи вариантда «Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим», дея Машрабона усулда якунланади.

Ҳар бир шоирнинг ўз тили, ифода услуби бор. Шундай сатрлар борки, унда шоир шахси «мана мен!» деб кўриниб туради. Залилий маърифатли ижодкор, тасаввуф ва сулук сирларидан хабардор толиб.

Бироқ «Минг маънини бир нукта била мухтасар эт»моқ Машрабнинг илҳомидан яралган, кўнгил шавқидан туғилган сўз.

Хўш, Залилий ўзи ҳаётлигида девон тартиб берган бўлса, ғазал албатта унга тегишли. Унда Машраб фақат ушбу ғазалга мақтаъ ёзганми?

Машраб шеърлари орасида бир нечта «эттим» радифли ғазаллар бўлиб, шундай радиф билан бир муҳаммас ҳам учрайди. Муҳаммаснинг ҳар банди охирида Залилий ғазали байтма-байт айнан келтирилади. Демак, Машраб Залилий ижодидан хабардор бўлган ва унинг «эттим» радифли ғазалига тахмис боғлаган. Ушбу муҳаммас Машраб ижоди гавҳарларидан бўлган «Минг маънини бир нукта била мухтасар эттим» мисраси билан тугайди. Нашрларда 8,ё 9 байт ҳажмида берилган муҳаммас «Қиссаи Машраби Наманғоний» қўлёзмасининг Афғонистон нусхасида келтирилишича у 10 байтдан иборатдир.

Эй азизим қани Одам била Ҳавво.
Чун ғавсул ҳақиқат эди Нажмиддин Кубро
Мардони худо айтгучи бу нуқтаи туғро
Ошиқлар эрмас бу сифат маскани маъво,
Чун обиравон бўлдиму яъни сафар эттим,

– банди нашрларда учрамайди.

Машраб ижодининг оҳанрабоси ҳамиша халқни ўзига тортади. Чунки у халқнинг бадиий завқи, туйғулари, дардларини халқона куйловчи шоирдир.

Дилорам ҲАМРОЕВА.
ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адбиёт институти кичик илмий ходими.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 123456